

# ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

2022 у. «1» 6

2022-94-7-99-OB-son

Nurodod sh.

Бундан бўён “БУЮРТМАЧИ” деб аталувчи **Нуробод тумани хокимлиги Ободонлаштириш бошқармаси** номидан **Х.Примов** бир томондан ва бундан бўён “ПУДРАТЧИ” деб аталувчи “ROIF INVEST” МЧЖ номидан **Р. Суюнов** ушбу Шартномани қуидагилар тўғрисида туздилар

## ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ:

Ушбу шартнома бўйича “Буюртмачи” пудрат ишларини қабул қилиш ва тўлаш, “Пудратчи” эса буюрмачининг буюртмаси бўйича қўйидаги пудрат ишларини бажариш мажбуриятини олади:

№	Ишнинг номи	Шартноманинг умумий қиймати (битим суммаси)
1	<b>27.05.2022 йилда берилган №89795 лотга асосан Олға МФЙ ИЧКИ КУЧАСИГА ТУНГИ ЁРИТИШ ЧИРОГИ ЎРНАТИШ</b>	188 000 000
	<b>Жами:</b>	188 000 000

1.1. Шартноманинг умумий суммаси ККС билан **188 000 000 (Бир юз саксон саккиз миллион)** сўмни ташқил қиласди

1.2. Ишни бошлаш ва топшириш муддати: «31» май 2022 й. Тугаши: «11» август 2022 й.

Батафсил баёни

1	<b>Нуқсон далолатнома, смета ҳужжатларига асосан Олға МФЙ ИЧКИ КУЧАСИГА ТУНГИ ЁРИТИШ ЧИРОГИ ЎРНАТИШ</b>
---	---

Алоҳида шартлар

1	<b>Бажариладиган ишлари сифатли ва белгиланган муддатларда бажарилиши шарт, бажарилган иш мутахассислар томонидан текшириб олинади</b>
---	--

## 2. ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТАРТИБИ

2.1. “Буюртмачи” мазкур шартномани ғазначилик бўлинмасида рўйхатга олинган кундан бошлаб 5 банк иш куни ичida қонунчиликка мувофиқ, шартнома умумий суммасидан 30% миқдорида (шартнома суммасидан 30% миқдорида) олдиндан тўлаш мажбуриятини олади, қолган 70% ни жорий таъмиглаш ишлари бажарилгандан сўнг 10 банк иш куни ичida қабул қилиш-топшириш далолатномаси, бажарилган ишлар далолатномаси Форма-2 асосида тўлайди.

2.2. Шартнома нархи электрон савдо натижаси бўйича белгиланади ва ўзгартирилмайди, Шартномага қўшимча келишув тузиладиган холлар бундан мустасно.

2.3. Ишлар якунлангандан кейин “Хизмат курсатувчи”, “Буюртмачига” бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатномани тақдим этади.

2.4. “Буюртмачи” далолатнома ва унга илова қилинган бошқа ҳужжатларни олгандан кейин    банк иш куни ичida имзоланган далолатномани ёки ишларни қабул қилишини асосли равишда рад қилиш хатини “Хизмат курсатувчи”га юбориш мажбуриятини олади.

2.5. Рад қилинган ҳолатда, ишларни қабул қилишини асосли равишда рад қилиниши юзасидан камчиликларни бартараф этиш рўйхати ва муддати бўйича тамонлар ўртасида далолатнома тузилади.

## 3. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

3.1. Мазкур шартнома белгиланган тартибда шартнома талаблари ва шартларига ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ ижро этилиши шарт.

3.2. Шартнома шартларини бажарилишини бир томонлама рад қилиш ёки шартнома лартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

3.3. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг ижроси таъминланган тақдирда Шартнома бажарилган ҳисобланади.

3.4. Буюртмачининг розилиги билан пудрат ишлари муддатидан олдин бажарилиши мумкин.

3.5. Хизмат ишлари бевосита Буюртмачининг маъсул ходимлари томонидан ишлар хажми ва уларнинг сифати кўрсатиладиган далолатнома бўйича қабул қилинади.

#### 4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИКЛАРИ:

##### 4.1. Буюртмачи;

- савдоларни ўтказиш учун тақдим этилган хужжатларнинг ишончлилиги ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатларига мувофиқлиги

- савдолар ғолиби бўлган етказиб берувчи билан шартнома тузиш ёки савдолар ғолиби бўлган етказиб берувчи билан Шартнома тузишни рад этиш муддатига риоя этилиши (ажратилган бюджет маблағлари камайиши ҳолатлари бундан мустасно);

- томонлар ўртасидаги Шартнома мажбуриятларини бажариш тугаллангандан кейин беш йил мобайнида савдолар предмети бўйича эълонлар ва техник хужжатларнинг асл нусхалари сакланиши учун жавоб беради.

4.1.1. Ишларни бажариш кечикирилган ёки тўлиқ бажарилмаган тақдирда “Бажарувчи” “Буюртмачи”га кечикирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий сўммаси бажарилмаган “Ишлар” қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва “Ишлар” бажариш муддати кечикирилиши ёки тўлиқ бажарилмаслиги туфайли етказилган заарлар қопланишидан озод этмайди.

4.1.2. Тўлов талабномаси акцептини асоссиз равишда бутунлай ёки қисман рад этганлик, шунингдек ҳисоб-китобнинг бошқа шаклларида товарлар ҳақини тўлашдан бош тортганлик (банк муассасасига тўлов топшириқномасини тақдим этмаганлик, чек бермаганлик, аккредитивни тақдим этмаганлик ва ҳоказо) учун буюрмачи хизмат курсатувчига ўзи тўлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 15 фоизи миқдорида жарима тўлайди

Бажарилган ишлар ҳақини ўз вактида тўламаганлик учун буюртмачи хизмат курсатувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечикирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечикирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

##### 4.2. ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ:

- савдоларда қатнашиш учун тақдим этилган хужжатларнинг ишончлилиги;

- миқдор, сифат, техник параметрлар, шунингдек тақлиф этилаётган товарларни етказиб бериш муддатлари ва жойи бўйича етказиб берувчи буюртманомалари шартларининг буюртмачи буюртманомаларида назарда тутилган шартларга мувофиқлиги;

- савдолар шартларининг бошқа бузилишлари;

- тузилган шартнома шартларининг бажарилмаганлиги учун жавоб беради.

- Агар бажарилган ишлар сифати, стандартлар, техник шартлар, қонун хужжатларида ёки хўжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, буюртмачи қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, пудратидан сифати лозим даражада бўлмаган товарлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга, агар ишлар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайташни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати лозим даражада бўлмаган ишлар бажарганлик учун жарима етказиб берувчидан акцептсиз тартибда ундириб олинади.

##### 4.3. “ПУДРАТЧИ” ҚЎЙИДАГИ ҲУҶУҚЛАРГА ЭГА:

4.3.1. Кўрсатилган “Хизматлар” учун олдиндан ҳақ тўланишини ва амалдаги қонун хужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб қилинишини “Буюртмачи”дан талаб қилиш;

4.3.2. Берилган буюртманомага мувофиқ кўрсатилган “Хизматлар”ни қабул қилиш асоссиз рад этилиши натижасида етказилган заар қопланишини “Буюртмачи”дан талаб қилиш.

#### 5. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ:

5.1. Келишмовчиликлар ва баҳслар келиб чиққан тақдирда, томонлар қоидага кўра, мустақил авишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

5.2. Томонлар келишмовчилик ва баҳсларни ўзаро ҳал этишга эришмаган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ва “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонунларига асосан бевосита Иқтисодий судига мурожаат қилишга ҳақлидир.

5.3. Томонлар иқтисодий судига мурожаат килган тақдирда, суд иши даъвогар жойлашган манзилдаги иқтисодий судида кўриб чиқилади.

#### 6. ФОРС-МАЖОР:

6.1. Форс-мажор натижасида мажбуриятларни бажарилмаслиги ҳолатлари келиб чиқса ва бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 15 февралядаги 63-сонли “Енгиб бўлмас куч (форс-мажор) ҳолатларининг мавжудлигини тасдиқлаш механизмини киритиш тўғрисида”ги қарорида кўзда тутилган шартларда томонлар ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни қисман ёки тўлик бажарилишидан озод этилади.

#### 7. БОШҚА ШАРТЛАР:

7.1. Ушбу шартномада томонларнинг кўзда тутилмаган ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан тартибга солинади.

#### 8. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ:

8.1. Мазкур шартнома ғазначилик бўлинмаларидан мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил “31” декабригача амал қиласи.

8.2. Шартноманинг амал қилиши бир томоннинг ташаббусига кўра ой (бир) давомида бошқа томонга ёзма ариза топширган кундан бошлаб, барча ўзаро ҳисоб-китоблар тугаганлиги муддатидан аввал тўхтатилиши мумкин. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган ҳолларда Шартнома бажарилган ҳисобланади.

8.3. Шартноманинг амал қилиш муддатини тугаши томонларни жавобгарликдан озод килмайди.

#### 9. Коррупцияга оид хукуқбузарликлар учун жавобгарлик.

9.1. Коррупцияга оид хукуқбузарликлар содир этганлик қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

9.2. Коррупцияга оид хукуқбузарлик содир этган шахслар суднинг қарорига кўра муайян хукуқлардан, шу жумладан муайян лавозимларни эгаллаш ҳукуқидан қонунга мувофиқ маҳрум этилиши мумкин.

9.3. Юридик шахслар коррупцияга оид хукуқбузарликларни содир этганлик учун қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

#### 10. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

«Ижрочи»

“ROIF INVEST” МЧЖ

«Буюртмачи»

Нуробод туман ҳокимияти Ободонлаштириш бошқармаси

Манзил: Самарканд вил. Нуробод т

Тел./факс  
х/в 20208000200965565001

Банк номи: Агробанки Нуробод филиали  
МФО 00291 СТИР 305946804

ОКОНХ:  
Рахбар



R. Суюнов

Манзил Самарканд вил. Нуробод тумани Ёшлар кучаси

Тел.факс  
х/в 301821860182357109501018004

Банк номи: Марказий Банк Тошкент  
МФО 00014 СТИР 200779734  
ОКОНХ 90211

Рахбар \_\_\_\_\_ X. Примов



## **YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY**

### **XULOSA**

**1. Loyihaning turi:** Shartnoma.

**2. Loyihaning nomi:** “ROIF INVEST” ma’suliyati cheklangan jamiyati bilan 188 000 000 (Bir yuz sakson sakkiz million) so‘mlik Olg‘a MFY ichki ko‘chalariga tungi yoritish chiroqlarini o‘rnatish to‘g‘risida.

**3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma’lumot:**

Nurobod tuman hokimligi Obodonlashtirish boshqarmasi tomonidan, 31.05.2022 yilda tuman YuXKMga huquqiy ekspertiza xulosasi uchun kiritilgan.

Loyiha O‘zbekiston Respublikasining “Xo‘jalik yurituvchi sub’ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to‘g‘risida”gi Qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

2022 yil 01 iyun

**Yuridik xizmat ko‘rsatish markazi  
bosh yuriskonsulti**



**F.Tilavov**